

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРНАЗАРОВА ЁРҚИНОЙ ОЛЛАБЕРГАНОВНА

ШАХС ФАОЛИЯТИДА КАСБИЙ ВА АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ
УЙҒУНЛИГИ

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences

Эрназарова Ёркиной Оллабергановна Шахс фаолиятида касбий ва ахлоқий маданият уйғунлиги.....	3
Эрназарова Ёркиной Оллабергановна Гармония профессиональной и нравственной культуры в деятельности личности	19
Ernazarova Yorqinoy Ollaberganovna Consistency of professional and ethical culture in individual's activities	37
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРНАЗАРОВА ЁРҚИНОЙ ОЛЛАБЕРГАНОВНА

ШАХС ФАОЛИЯТИДА КАСБИЙ ВА АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ
УЙҒУНЛИГИ

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fa15 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Нурматова Мукарам Ахмедовна фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Саифназаров Исмоил Саифназарович фалсафа фанлари доктори, профессор Туленова Гулмира Жандаровна фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.) Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Н.Б.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., доцент

М.А.Нурматова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI аср дунёда ҳаёт суръатларини жадаллаштириб, маданий турмушни тубдан ўзгартириб юборди. Жаҳонда рўй бераётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий воқеалар, бир томондан, янги муносабатлар ва қарашларни келтириб чиқарган бўлса, иккинчи томондан, ахлоқий маданиятни глобал инқироз ёқасига олиб келди. Касбий тайёргарлик, мутахассисликка оид маълумот ва ахборотлар кўламининг ортиши, инсон эҳтиёжларининг ўсиб бораётганлиги, янги соҳаларнинг пайдо бўлаётганлиги ҳамда касб ихтисосликларининг такомиллашиб бориши шахснинг ҳаётга муносабати ўзгараётганлиги билан характерланади.

Жаҳонда инновация, интеллект эволюцияси, касб ва ахлоққа оид билим маданиятнинг муҳим қадрияти сифатида эътироф этилмоқда. Дунёнинг Америка Қўшма Штатлари, Канада, Франция, Германия, Япония, Хитой каби ривожланган давлатларида «инсон капитали», «шахсий компетентлик», «боқий таълим», «интеллектуал маданият» йўналишлари устувор ҳисобланади. Бунда касбий ва ахлоқий маданиятга эга мутахассисларни тайёрлаш жамият истиқболининг негизи ҳисобланади. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг бошқарув соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқот йўналишлари меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассисларга, малакали кадрларга кўпроқ эҳтиёж сезмоқда.

Мамлакатимизда ҳар томонлама камол топган, юксак касб-ҳунар маданиятига, ижодий, ижтимоий фаолликка эга бўлган, жамият, давлат, оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган шахсларни тарбиялаш масаласига амалга ошириладиган ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳамда ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши касбий ва ахлоқий маданияти уйғун ривожланган мутахассисларни тайёрлаш орқали халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга эришиш, халқ билан ҳокимият, фуқаро билан мансабдор шахс ўртасидаги ахлоқий муносабатни маданий жихатдан юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сон «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 октябрдаги 855-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари хайъатларининг

фаолияти самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний кадриятлар, миллий ғоя, эстетик, бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг асарлари¹ асосида юксак маънавиятли шахсни шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидаги² давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимлари касбий ва ахлоқий маданиятга доир принциплар, қоидалар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбек халқининг ахлоқий тафаккурида касбий ва ахлоқий маданиятга оид қарашлар пандномаларда, халқ оғзаки ижоди намуналарида, диний ва дидактик манбаларда ўз аксини топган. Жумладан, «Авесто»да меҳнатга ҳурмат, касбга садоқат, хушмуомалаликка чақирувчи ҳикматлар, Ислом динида касб қилиб топилган бойликлардан закот берилиши, ҳар бир мусулмон одам касбининг орқасидан ҳалол йўл билан ризқ топиши кераклиги ҳақидаги ўғитлар одамларда касбий маданият ривожини одоб-ахлоқ қоидаларига боғлиқ эканлиги асосланган.

Мусулмон Шарқи маданий тараққиётида ҳунарни ўзлаштириш ва эгаллаш, касб ўрганиш ва ўргатишга қўйиладиган ахлоқий талабларга оид масалалар Бурҳониддин аз-Зарнужий, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби алломаларнинг маънавий меросида атрофлича таҳлил қилинган.

Шахс касбий фаолиятида касбий ва ахлоқий маданиятни уйғунлаштиришнинг ижтимоий зарурияти билан боғлиқ илмий изланишлар XX аср жаҳон фалсафий тафаккурида алоҳида ўрин эгаллаган ва кенг кўламли тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотларни шартли тарзда икки туркумга ажратиш мумкин. Биринчи туркумга – касбий фаолият ва унинг маданий мезонлари ижтимоий жараён сифатида ўрганилган тадқиқотлар:

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. 380-б.; Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1997. 325-б.; Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Ж.б. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1998. 429-б.; Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008. 173-б.; Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2015. 304-б.

² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. 56-б.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 48-б.; Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 104-б.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 488-б.

Э.Дюркгейм, М.Вебер, Т.Парсонс, Ж.Раелин, Ж.Блоор, Д.Сирмонд, С.Бринт, Е.Еванс, П.М.Деркач, В.Г.Зазыкин, В.А.Цвык, И.М.Батура; иккинчи туркумга – касб этикаси хусусиятлари ва касбнинг педагогик, психологик ва акмеологик жиҳатларини ўрганган тадқиқотлар – А.Гусейнов, В.Бакштановский, А.А.Скворцов, Е.Е.Титова, А.С.Капто, В.Н.Ксенофонов, В.Н.Назаров³ каби файласуф – ахлоқшуносларнинг илмий изланишларини киритиш мумкин.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан кейин шахсда касбий маданиятни шакллантириш масалаларига фалсафий, психологик, педагогик, маданий ёндошувларга бағишланган янги тадқиқотларга қўл урилди. Бу борада М.А.Нурматова, Н.Муҳаммадиев, Э.Ғ.Ғозиев, М.Қуронон, М.Йўлдошев, Э.А.Асамаддинов, К.У.Нажмиддинова каби олимларнинг илмий изланишлариде касбий фаолият шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ва таълимий-тарбиявий йўналишининг таркибий қисми сифатида ўрганилди.

Маданий тараққиётга салбий таъсир кўрсатувчи, замонавий талабларга жавоб бермайдиган институционал асослар ва принциплар турли соҳа олимлари томонидан ўрганилган бўлса-да, танланган мавзу маданият фалсафаси контекстида махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Марказий Осиё халқлари маънавий, маданий, диний қадриятлари ва ҳозирги замон» мавзуси ҳамда А-1-85+(1-159) «Таълимда менежмент ва маркетингнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ишлаб чиқиш ва миллий маданиятни умуминсоний маданият билан уйғунлаштиришга оид услубий қўлланма тайёрлаш» (2015-2017 йй) номли амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шахсда касбий ва ахлоқий маданиятни уйғунлаштиришнинг миллий ва умуминсоний асосларини маданият фалсафаси контекстида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«касбий фаолият», «касбий маданият», «ахлоқий маданият» тушунчаларининг фалсафий моҳиятини ҳозирги замон нуқтаи назаридан тадқиқ этиш;

касбий ва ахлоқий маданият детерминантларининг трансформациясини аниқлаш;

«Оила – маҳалла – таълим муассасаси» концепциясининг касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигини таъминлашга конструктив таъсирини илмий асослаш;

давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини самарали йўлга қўйишда касбий маданият принципларининг устуворлигини таъминлашга қаратилган механизмларни ишлаб чиқиш;

³ Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

ахлоқий ва касбий маданиятнинг замонавий компонентларини профессионал акме билан интеграциясини илмий-фалсафий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти касбий ва ахлоқий маданият уйғунлиги.

Тадқиқотнинг предмети касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигининг шахс фаолиятини такомиллаштиришга таъсири.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, тарихийлик, мантикийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, кузатув, сўров усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиш жараёнида касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигининг антропоген, перманент, синергетик, детерминистик хусусиятлари очиқ берилган;

касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигига негатив таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этишнинг рационалистик ва праксиологик механизмлари ишлаб чиқилган;

шахс фаолиятида касбий ва ахлоқий маданият интеграциясини ривожлантирувчи атрибутлар миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида такомиллаштирилган;

шахснинг меҳнат бозори ўзгарувчан шароитларига мослашиб боришини таъминловчи концептуал акмеологик технологияларнинг инновацион, дифференциал, ёшга оид, ижтимоий ва педагогик таъсир турлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

касбий маданиятни ривожлантиришнинг самарали механизмлари (топшириқ ижросига масъулият билан ёндашиш, жамоада ахлоқий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ўзаро мулоқот ва муомалада ахлоқий меъёрларга амал қилиш) ишлаб чиқилган;

касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигини таъминловчи омилларнинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш тамойиллари ҳамда унинг шахс касбий фаолиятига ижобий таъсирини (ижодий ёндашув, лаёқатлилик) фалсафий мушоҳада қилишга доир услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

шахс фаолиятида касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигини таъминлашнинг миллий асосларини илмий таҳлил қилишнинг самарали йўллари (меҳнат жамоаларининг мутахассислигидан келиб чиқиб соҳага оид ахлоқ кодексларини ишлаб чиқиш, сиёсий институтлар, жамоат бирлашмалари, миллий марказлар қошида «Этика кўмитаси», «Ахлоқ Кенгаши»ни ташкил этиш) ва воситалари (таълим муассасалари учун «Касбий маданиятнинг ахлоқий асослари» ўқув курси дастури) ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, респондентлар билан ўтказилган сўровлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий

этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шахс фаолиятида касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигини таъминлашнинг ижтимоий-маънавий зарурияти, шунингдек, кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга тўсқинлик қилувчи муаммоларни бартараф этишга қаратилган фалсафий-ахлоқий билимларни илмий-услубий жиҳатдан кучайтириш билан белгиланади. Ушбу тадқиқотда ишлаб чиқилган қатор категориал тушунчалар маданиятшунослик, ахлоқшунослик, маънавиятшунослик соҳасидаги амалий тадқиқотлар учун илмий-услубий асос бўлиши мумкин. Мазкур тадқиқот материалларидан келгусидаги илмий ва педагогик фаолиятда ҳамда Фалсафа, Этика, Маънавият асослари ва Миллий ғоя фанлари бўйича ўқув дастурлари доирасида касбий ва ахлоқий маданиятнинг инсон камолотидаги ўрнини илмий асослашга қаратилган мавзуларни ишлаб чиқишда, шунингдек, педагоглар, шифокорлар, тадбиркорлар ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари касбий фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ўз аксини топган назарий хулосалар, аниқ амалий таклиф-тавсиялардан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Хотин-қизлар кўмитасининг жойлардаги бўлимлари, Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар иттифоқи фаолиятида ёшлар билан уюштирилаётган мулоқот, давра суҳбатларида ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шахс фаолиятида касбий ва ахлоқий маданият уйғунлиги бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

шахс фаолиятида касбий ва ахлоқий маданият интеграциясини ривожлантирувчи атрибутларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида такомиллаштиришга оид илмий натижалардан «Ахлоқий ва эстетик маданият» номли ўқув кўлланманинг (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 21 августдаги 303-сонли буйруғига асосан нашрга рухсат этилган, 2016 йилда «Тугон-иқбол» нашриётида чоп этилган) «Ахлоқий ва эстетик маданият фанининг предмети, тадқиқот доираси, мақсади ва вазифалари», «Ахлоқий ва эстетик маданиятнинг функциялари, хусусиятлари ва тамойиллари», «Ахлоқий ва эстетик маданиятнинг турмуш тарзида намоён бўлиши», «Ахлоқий-эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари» мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 89-03-966-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигини таъминловчи омилларнинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш тамойиллари ҳамда унинг шахс касбий фаолиятига ижобий таъсирини фалсафий мушоҳада қилиш каби масалаларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигига негатив таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этишнинг рационалистик ва праксиологик механизмларига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Миллий университетига олиб борилган А-1-161 «Ўзбекистонда замонавийлашув шароитида оила ва болаларни ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий ҳамкорлик масаласи» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида 2015 – 2017 йилларда чоп этилган «История и теория социальной работы» номли услубий қўлланманинг иккинчи қисмидаги «Профессиональная компетентность в теории и практике социальной работы», «Нравственно-гуманистические истоки социальной работы. Духовно-нравственные требования к социальному работнику» мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 89-03-966-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий этилиши ижтимоий ходимларда касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигини таъминлашга, меҳнатга хурмат, касбга садоқат, хушмуомалаликка чақирувчи ҳамда касбий маданиятни ривожлантирувчи одоб-ахлоқ қоидаларини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида такомиллаштиришга хизмат қилган;

шахснинг меҳнат бозорининг ўзгарувчан шароитларига мослашиб боришида ахлоқий ва касбий маданият уйғунлигини таъминловчи концептуал акмеологик технологиялар ҳамда ривожлантирувчи атрибутларини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг фуқаролар йиғини ходимлари ва фаоллар учун «Ёш авлод тарбиясида ота-оналар масъулиятини ошириш» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясини ташкил этишда, Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларида «Маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари» мавзусида ўтказилган ўқув семинарларида, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури»нинг 2-йўналиш, 3-банди «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни самарали амалга ошириш ишларида фойдаланилган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2018 йил 4 январдаги 02-01/02-сонли маълумотномаси). Таклифларнинг амалиётга жорий этилиши маҳаллаларда ёшларни касбга йўналтиришга оид ишларнинг самарасини, шунингдек, тизим ходимларининг ишга бўлган муносабати, шахсий жавобгарлиги ва масъулиятини оширишга ҳамда уларда касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигини таъминлашга хизмат қилган;

Ўзбекистонда таракқиётнинг янги босқичга кўтарилиш жараёнида касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигининг хусусиятлари ҳамда концептуал акмеологик технологияларига оид таклифлардан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Халқаро ёшлар куни муносабати билан «Ёш оилалар ва

қизлар» I Республика форуми ҳамда «Мен ҳам етакчи бўламан!», «Ким нимага қодир?» мавзусидаги касб-хунар маҳорат дарсларини ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2017 йил 27 октябрдаги 03/1370-10-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар кадрларни меҳнат бозорининг ўзгарувчан шароитларига мослашиб боришини таъминлашга, уларда касбга доир ахлоқ-одоб меъёрларини мустаҳкамлашга хизмат қилган ҳамда ёшларда инновацияга мойиллик, ташаббускорлик каби касбий маданият тамойилларини шакллантириш имконини берган;

касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигига негатив таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этишнинг рационалистик ва праксиологик механизмларига оид таклиф ва тавсиялардан «Аниқ, мақсадли йўналишларда кадрлар тайёрлаш – давр талаби» мавзусидаги илмий-маърифий тадбирда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2018 йил 12 январдаги 04-13/174-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётда қўлланилиши кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган;

шахсда ахлоқий ва касбий маданиятни уйғун ривожлантиришнинг механизмларига оид таклифлардан «Миллий ғоя ва мафкуравий тадқиқотларни ташкил қилиш» бўлимида 2016–2017 йилларда амалга оширилган амалий тадқиқотлар давлат грантлари лойиҳаси доирасида: А1-071 шифрли «Мураккаб ва таҳликали замоннинг маънавий таҳдидларига қарши мафкуравий кураш воситалари комплексини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш» мавзусидаги давлат грантини амалга оширишда, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишига оид 275-бандида белгиланган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар»ни ташкил этишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2017 йил 30 ноябрдаги 02/03-1196-сонли маълумотномаси). Натижаларнинг амалиётга жорий этилиши кадрларда топшириқ ижросига масъулият билан ёндашиш, жамоада ахлоқий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ўзаро мулоқот ва муомалада ахлоқий меъёрларга амал қилиш кўникмаларини шакллантиришга ҳамда ватанпарварлик, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳиссини оширишга хизмат қилган;

касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигини таъминловчи омилларнинг ўзига хос хусусиятлари ва парадигмал тамойиллари ҳамда унинг шахс касбий фаолиятига ижобий таъсирига доир таклифлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали таркибидаги «Oilaviy» телеканалининг «Оила мундарижаси», «Мактаб ва оила» ток-шоулари, шунингдек, «Оилавий тонг», «Аёл ва замон», «Оила шаъни» кўрсатувлари сценарийларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 9 октябрдаги 39-39-1757-сонли маълумотномаси). Таклифлар кўрсатувларни моҳиятан бойитишга хизмат қилган ҳамда

мутахассисларнинг касбий бурчини бажаришга ёрдам берадиган маънавий сифат ва фазилатларни шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (9 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади, вазибалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Касбий ва ахлоқий маданиятнинг илмий-назарий талқини**» деб номланган биринчи бобида ахлоқ фалсафаси ва маданият фалсафасининг интегратив характери, касбий ва ахлоқий маданият шаклланишининг замонавий хусусиятлари, маданий ва ахлоқий тафаккурда касб ҳамда хунар одоби талқини, таснифлари илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Фаолият касбий ва ахлоқий маданият шаклланишининг асосий компоненти бўлиб, инсоннинг ташқи оламга, воқеликка бўлган муносабатининг ўзига хос кўриниши, шунингдек, у шахснинг ўзини ва атроф-оламни мақсадга мувофиқ ўзгартиришига йўналтирилган фаол ҳаракатидир.

Касбий ва ахлоқий маданиятни илмий-назарий жиҳатдан талқин этишда фаолиятнинг моддий ва маънавий кўринишларини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Чунинчи, моддий фаолият табиатни ўзлаштириш орқали инсон моддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлса, маънавий фаолият эса, инсоннинг яшаш усули бўлиб, унинг тафаккури, дунёқараши, ахлоқий қиёфаси, маънавий-маданий эҳтиёжлари ва ижодининг ранг-баранглигини қамраб олувчи турларидан ташкил топади.

Техноген цивилизация шахс фаолияти такомилга ўз таъсирини кўрсатиши туфайли касб ва хунарнинг янги турлари вужудга келди. Бунинг натижасида касбий фаолият турларини меҳнат предметиға қараб туркумлашга эҳтиёж пайдо бўлди. Бу ўз навбатида: а) инсоннинг табиат ҳодисаларига ва ижтимоий ҳаётга муносабатини ўзгартирди; б) соғлиқни

сақлаш, маиший турмуш, таълим олиш билан боғлиқ янги фаолият турларини юзага келтирди; в) фаолият маданий ҳодиса сифатида инсон томонидан маънавий кадриятларни яратиш ва ўзлаштиришнинг ижтимоий тажрибасини шакллантирди; г) яхлит жараён сифатида воқеликнинг ўзгаришига олиб келди. Касбий фаолиятнинг самарадорлиги унинг мазмун-моҳиятини тўғри ва оқилона англашга боғлиқ. Бунинг учун, аввало, мазкур касбга оид билимларни эгаллаш ва муайян тажрибага эга бўлиш зарур.

Касбий маданият инсоннинг эгаллаган билимлари, тажрибалари ёки меҳнати маҳсулидан бунёд этилган моддий маданият дурдоналари, эстетик завқ уйғотадиган ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Шунга кўра, касбий маданиятнинг таркибий қисмларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- а) шахснинг қизиқиш ва билимлари тизими, интеллектуал фаоллиги;
- б) шахснинг дунёқараши, ғоявий позицияси;
- в) ўз қобилияти ва маҳоратини намоён қилиш даражаси;
- г) индивидуал хулқий меъёрлари;
- д) шахснинг эмоционал ҳиссий даражаси.

Мазкур тасниф бир-бири билан боғлиқ интегратив характерга эга. Чунки, шахснинг касбий маданияти меҳнат жараёнида касбий лаёқатлилик, коммуникативлик, коммуникабеллик, мувофиқлаштириш, тўғри қарор қабул қилиш, ўз-ўзини идора қилиш, мустақил фикрга эғалик, инновацион жараёнлар, замонавий технологияларни англаш ва қўллаш, ҳужжатларни расмийлаштириш, иш жойини ҳамда асбобларини тутишида акс этади.

Ахлоқий маданият эса маданият турлари ичида кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Маданият ва маданий жараёнларни фалсафий жиҳатдан илмий тадқиқ қилган олимлар А.Очилдиев ахлоқий маданиятни мавжуд ахлоқий меъёрларни ўзлаштириш ва риоя қилиш даражаси⁴, М.Нурматова жамият аъзолари томонидан ахлоқий талаблар, тушунчалар, тамойил, меъёрлар, идеалларни ўзлаштириш асосида ахлоқий камолотга эришиш⁵ эканлигини таъкидлаган бўлсалар, Стюарт Браун, Даян Коллинсонлар эса, бу мазмунли умр кечиришда ўзаро ҳурмат қилиш ва ахлоқий тамойиллар асосида яшашнинг бирламчи аҳамиятга эга бўлиши ва ҳамма учун бирдай яхши бўлган олами (муҳитни) ярата олиш⁶, деб атайдилар. Бизнинг назаримизда ахлоқий маданият шахснинг индивидуал фаолияти ривожига намоён бўлувчи ҳодиса бўлиб, унинг муомала одоби, ахлоқ қоидаларига риоя этиши, касбий одоби ҳамда ўзгаларга нисбатан муносабатининг барча турларида кўриниши мумкин.

Шарқ маданияти фалсафасида ҳунар бадий тафаккурнинг шакли, ўзида халқнинг тарихий тажрибаси, эстетик дунёқараши, маънавий олами ва ахлоқий тафаккурини намоён этувчи ҳодиса, кадриятларни авлодларга етказувчи ва анъаналар давомийлигини таъминловчи ижтимоий воқелик сифатида ҳурматланади. Шу боис, шахс бўлиб шаклланишнинг дастлабки

⁴ Очилдиев А. Маданият фалсафаси. – Тошкент: «Мухаррир», 2010. 33-б.

⁵ Нурматова М.А. Ахлоқий ва эстетик маданият. – Тошкент: TURON-IQBOL, 2016. 7-б.

⁶ Stuart Brown, DianéCollinson, «Biographical Dictionary of Twentieth-century Philosophers», London and New York .1996. – P.7.

босқичи меҳнатни маданий ҳодиса сифатида тушунишни ва унинг ахлоқий мазмунини тўлақонли англашни талаб этади.

XX асрда Ғарб фалсафасида касб ва касбий маҳоратнинг мазмуни ахлоқийликдан кўра фойдалилик ва манфаатдорликка асосланган утилитар мазмун касб этганлигини кузатиш мумкин. Ҳозирги пайтда, айрим Ғарб тадқиқотчилари бюрократия, кадриятларнинг ўзгариши, субмаданият, тез тарқалаётган ва тинимсиз ўзгараётган технологиялар таъсирида «меҳнатнинг инқирози», «касбларнинг ўлиб бориши» ҳақида ҳам фикр юритишмоқда. Шу боис, уларни глобализациялашаётган ахборот асрида олимларни янги касблар, янги касб этикаси, янги касбий маданият ва субмаданиятнинг вужудга келаётгани ташвишлантираётгани⁷ бежиз эмас.

Тадқиқотда XXI асрда касбий тайёргарлик ва мутахассисликка оид ахборотлар кўламининг ортганлиги, инсон эҳтиёжларининг ўсиб бориши, касбий маданият талабларининг модернизацияси натижасида шахснинг ҳаётга бўлган муносабатидаги ўзгаришларнинг омиллари, хусусиятлари илмий таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигини таъминловчи омиллар**» деб номланган иккинчи бобида ахлоқий ва касбий маданият шаклланишининг босқичлари, ахлоқий маданият структуравий элементларининг касбий маданият ривожига таъсири, касбий маданият мезонлари, касб этикаси талаблари таҳлил қилинган.

Шахс ахлоқий маданияти амалий этиканинг тадқиқот доираси таркибига киради. Шахснинг болалалик давридан бошлаб ахлоқий маданиятнинг дастлабки элементлари, унинг касбга бўлган ижобий муносабати эртаклар, пандномалар, ўғитлар каби дидактик кўринишдаги воситалар ёрдамида шакллантириб борилади. Шунинг учун одоб ва хулқ ахлоқий маданиятга, ахлоқий маданият касбий ахлоққа асос бўлади.

Диссертацияда ахлоқий ва касбий маданият шаклланишини таъминловчи омилларни ўрганиш ва тадқиқот самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш, ишлаб чиқилган амалий тавсияларни ижтимоий ҳаёт билан мослигини ўрганиш ва мавжуд ҳолатларни қиёсий таҳлил этиш мақсадида 2016 йил апрель ойида Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 314-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари орасида ўтказилган сўровномада 5 – 6 ёшли болаларга «Келажакда ким бўлишни хоҳлайсиз?» деган савол билан мурожаат қилинди. Саволларга берилган жавоблардан болаларнинг касбга хос тасавури «яхши», «кучли», «меҳрибон» каби ахлоқий хусусиятлар, «чиройли», «озода», «кўркам» сингари эстетик сифатлар таъсирида шаклланади деган хулосага келиш мумкин.

Касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигини таъминлашда тарбия муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда жорий этилган тарбия тизими ва «Оила – мактаб – маҳалла» концепцияси ана шу мақсадни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Тарбия ёрдамида муҳит таъсир кўрсата олмаган фазилатлар

⁷ Challenging professionalism: New directions in policies, publics and the pro-fessions: ISA RC52 «Professional groups' interim conference. Lisbon, 28–30 Nov. 2013. Mode of access: <http://pascal.iseg.utl.pt/~socius/interim/?Welcome>.

ўзлаштирилади, иллатлар тузатилади. Шу маънода «Оила – мактаб – маҳалла концепцияси» касбий ва ахлоқий маданиятни ривожлантиришда стратегик аҳамиятга эга.

Талаба-ёшларнинг касбий ва ахлоқий маданиятга ҳамда умуминсоний кадриятларга муносабатини ўрганиш мақсадида 2016 йилда Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро давлат университети, Самарқанд давлат университети, Наманган давлат университети, Урганч давлат университети талабалари орасида сўровнома ўтказилди. Сўровномада 1216 респондент (100%) иштирок этди. «Касб одоби деганда нимани тушунасиз?», деган саволга 587 (48.27%) респондент жамият томонидан қабул қилинган ахлоқ қоидаларини кишиларнинг ихтисосларига нисбатан амалда татбиқ этилиши, 274 (22.53%) респондент аниқ касбий бурч, 205 (16.86%) респондент умумий ахлоқнинг кишилар касб-коридаги ўзига хос кўриниши, 107 (8,80%) респондент эса касбга муносабат деб жавоб берганлар. 43 (3.54%) нафар респондент саволга жавоб бермаганлар.

«Шахснинг касбий мулоқот жараёнида миллий ва умуминсоний маданият уйғунлигининг ижобий жиҳатлари нимада деб ўйлайсиз?» саволига эса, 548 (45,07%) респондент шахслараро касбий мулоқотда ўзаро ишонч уйғотади, 312 (25,66%) респондент шахсда инсонпарварлик фазилатларини ривожлантиради, 147 (12.09%) респондент шахснинг касб одобини яхши эгалланганлигини кўрсатади, 108 (8.88%) респондент касбий мулоқот жараёнида зиддиятли ҳолатларни бартараф этишга ёрдам беради, 39 (3.21%) респондент шахсда иш турини малакали бажаришга имкон беради деб жавоб берган.

Сўровномада талабалар жавобларининг илмий-фалсафий таҳлилидан қуйидаги хулосага келиш мумкин: а) ахлоқий маданият шахсда босқичма-босқич шаклланиб борадиган ижтимоий-маънавий ҳодиса; б) ахлоқий маданият касбий маданиятнинг маҳорат, малака каби унсурлари таъсирида ривожланади; в) жамоадаги ахлоқий муҳит, одамларнинг феъл-атвори, ўзаро муносабатларида амал қиладиган кадриятлар шахснинг фуқаролик позициясини шакллантиради.

Хушфеъллик, ширинсуханлик, самимийлик, камтарлик, босиқлик, инсофлилик, ростгўйлик, ҳалоллик, касбга садоқат, меҳнатсеварлик, адолат, муҳаббат каби ахлоқий маданият парадигмалари нафақат ҳаётда, балки инсон фаолиятининг мазмунини ташкил этадиган касбий фаолият, меҳнат жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шахснинг касбий маданияти жамоасига, жамиятига ва давлатига содиқлик билан хизмат қилишида билинади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: «Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда»⁸.

Диссертациянинг учинчи боби «Ўзбекистонда шахс касбий ва ахлоқий маданиятини ривожлантирувчи парадигмалар» деб номланади.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Нутқ. // www.press-service.uz, 2017. 22.12.

Унда шахсда касбий ва ахлоқий маданиятни уйғунлаштиришнинг акмеологик усуллари, замонавий мутахассис касбий маданиятининг зарурий ахлоқий талаблари, касбий ва ахлоқий маданиятни ривожлантиришнинг маърифий асослари ҳақида сўз юритилади.

Акмеология шахснинг ўз касбий фаолияти имкониятларидан тўла фойдаланиши, замонавий мутахассислар олдида турган юксак масъулиятга нисбатан оқилона муносабати, ўз фаолиятида мукамал усул ва услубларни ижодий ўзлаштириши, мустақил равишда ўз маҳоратини ошириб бориши кабилардан иборат.

«Акме» – камолот, юксалиш, етуклик маъноларини англатади. Акмешахс деганда ахлоқан баркамол, интеллектуал жиҳатдан етук, жамиятни ижтимоий-иқтисодий барқарорлаштиришга қодир, ўз касбининг устаси бўлган инсон тушунилади. Акмеология эса замонавий янги фан бўлиб, унинг муҳим вазифаси шахснинг муайян касбий фаолияти жараёнида юксак маънавий поғонага кўтарилиши билан боғлиқ жиҳатларни ўрганишдан иборат. Бу, ўз навбатида, «Шахснинг ижобий касбий сифатлари ва хусусиятлари ниманинг ҳисобига шаклланади, унинг фаолиятидаги ривожланиш қай даражада юксак самарадорликка эришади?», «Уларнинг ривожланишига, фаолиятининг самарадорлигига, ишончилигига қандай хусусиятлар ва сифатлар зарур ҳамда негатив таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?» - деган саволларга жавоб олиш имконини беради.

Касбий ва ахлоқий маданият уйғунлигига негатив таъсир кўрсатувчи – эскиликни қўмсаш, мавжуд ҳолатни сақлаб қолиш, касбга лоқайд муносабат, замон талабларини тушунмаслик, бошлаган ишини охирига етказмаслик, масъулиятсизлик, расмиятчилик, ўзибўларчилик, хўжакўрсинчилик, тамагирлик, коррупция, сусткашлик каби омиллар нафақат касбий одоб, балки ахлоқий маданиятга ҳам зиддир.

Замонавий мутахассис касбий маданияти ёш мутахассисларни ҳаваскорликдан профессионаликка ўтиши жараёнида: а) илмий асосланган билим ва назарияга таяниш; б) замонавий таълим концепциялари ҳамда касб-ҳунар таълими моҳиятини ёритувчи ахборот хизматларидан хабардор бўлиш; в) шахсий ва касбий ўз-ўзини такомиллаштириш; г) ахлоқий тамойил ва мезонларга риоя қилиш; д) асрлар синовидан ўтган анъаналаримиз, касб одоби хусусидаги мутафаккирларимизнинг бой меросига мурожаат қилиш каби ахлоқий талабларни юзага келтирмоқда.

